



Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб бўлгач ғусл олсалар, аввал икки қўлларини ювар эдилар. Намозга таҳорат олгандай таҳорат олганларидан сўнг ғусл олар эдилар

Мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб бўлгач ғусл олсалар, аввал икки қўлларини ювар эдилар. Намозга таҳорат олгандай таҳорат олганларидан сўнг ғусл олар эдилар. Сўнгра қўлларини соchlari орасига киргизар, сув терига текканига ишонч қабул қилгач устидан уч марта сув қуяр эдилар. Сўнгра жасадларини қолган қисмини ювар эдилар. Ва яна қўшимча қилиб: «Мен ва Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам битта идишда ювениб, бирга қўл чўмар эдик», – дедилар.

[Тўғри матн] [Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаноботдан ғусл олаётганларида икки қўлларини ювишдан бошлар эдилар. Сўнгра намозга таҳорат қилгандай таҳорат қилар, икки қўлларини сув соч тагига етиб, терига текканига ишонч ҳосил қилгунча ишқалар эдилар. Баданларига уч маротаба сув қуийб, жасадларининг қолган қисмини ювар эдилар. Оиша разияллоҳу анҳо: «Мен ва Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам битта идишда ювениб, иккаламиз ҳам унга қўл чўмар эдик», – дедилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3316>